

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДОШУВ

Исмоилов Ёқубжон Қучқарбоевич

Самарқанд давлат педагогика институти

Жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада бўлажак педагогларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг технологик масалалари Ўзбекистон олий педагогик таълим тизими модернизацияси, “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепцияси ва замонавий педагогик технологиялар доирасида таҳлил қилинади. Бўлажак педагогларни тайёрлашда нафақат касбий тайёргарлик, балки уларда Ватанга садоқат, мафкуравий иммунитет, иродалилиқ, масъулият, меҳроқибатлилиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш каби таянч компетенцияларни технологик асосда интенсив ривожлантириш зарурати асосланган. Анъанавий педагогик технология тушунчаси маънавий-ахлоқий тарбия нуқтаи назаридан қайта талқин қилиниб, анъанавий ва рақамли усуллар уйғунлигини таъминловчи интенсив технологик модель таклиф этилади. Шунингдек, олий педагогик таълим муассасалари маънавий-ахлоқий тарбиявий иш режаларини УМТҚда белгиланган таянч фазилатлар асосида ташкилий-методик модернизация қилиш, маънавий-ахлоқий ишлар технологиясини аниқ ўлчамли, натижани кафолатловчи инновацион педагогик лойиҳа сифатида қуриш имкониятлари очиб берилади.

Калит сўзлар: бўлажак педагог, маънавий-ахлоқий тарбия, Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси, таянч фазилатлар, драйвер фазилатлар кластери, педагогик технология, метод, интенсив ёндашув, инновацион таълим, рақамли технологиялар, касбий маънавият, маънавий-маърифий ишлар режаси.

Республикамиз олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган давлат таълим стандартлари талабларини амалга ошириш олий таълим модернизациясининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айни вақтда ушбу вазифалар самарадорлигини оширишга оид илмий-педагогик тадқиқотлар олиб бориш, бўлажак педагогларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини самарали ташкил этишнинг янги, инновацион технологияларини амалиётга жорий қилиш долзарб инновацион вазифа ҳисобланади. Зеро бу “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепциясида белгилаб берилган драйвер фазилатлар кластерини ривожлантиришга, бўлажак педагоглар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларнинг технологик

таъминотини яратиш соҳада олиб борилаётган ишларнинг стандартлашувига, натижаларнинг кафолатланишига хизмат қилади. Бу эса айти вақтда ушбу жараённинг жорий муаммоларини илмий таҳлил қилишни, илғор тажрибалар, тенденциялар таҳлилини тақозо қилади.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”нинг 57 бандида олий таълим муассасаларида ўқувчиёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда инобатга олиниши зарур бўлган муҳим педагогик вазифалар белгилаб берилди. Жумладан:

ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ўқувчи-ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни амалиётда қўллаш олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар билан бойитиш;

ўқувчи-ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш;

касбий-маънавий кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш; фаол фуқаролик позициясини кучайтириш;

илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва соғлом диний эътиқодни шакллантириш;

бахтли оилавий ҳаёт, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш;

келажакка ишонч ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш кўзда тутилган¹.

Соҳа олимларининг фикрича, бўлажак педагогларни малакали мутахассислар этиб тайёрлашда нуқул уларнитор касбий ихтисослик билимлари билан қуроллантириш етарли эмас. Жумладан, уларнинг маънавий-ахлоқий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Зеро малакали педагогларни тайёрлашда уларнинг маънавий-ахлоқий сиймоси, намунаси, ибратли хулқлари, миллий қадриятлар ҳақидаги билимлари мактаб ўқувчилари (тарбия субъектлари)нинг тарбиявий ишларга бўлган қизиқишининг янада ортишига хизмат қилади. Бу заруратни бўлажак бошланғич таълим, мусиқа, адабиёт, жисмоний тарбия ва бошқа ихтисосликларнинг малака талаблари тақозо қилади. “Чунки бугунги кунда”, дейди А.Шопўлатов, “жамиятимизда аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатини ўрганиш ҳамда уларни бу

¹Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига 1-илова.

<https://innovateconferences.org>

соҳага жалб қилиш фақатгина жисмоний тарбия ва спортнинг ўқув-машқ жараёнини такомиллаштириш орқали амалга ошмайди, балки соҳани ривожлантиришда барча омилларнинг ўрни, таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, маънавий кадрларни ўрганиш аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабати, қизиқишини шакллантириш ҳамда ижтимоий омилларнинг ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади”².

Муаммонинг жорий илмий-назарий ҳолатини ўрганиш бўлажак педагогларни тайёрлашда уларнинг касбий маънавияти, маънавий-ахлоқий компетенцияларини интенсив технологик асосда ривожлантириш ўта муҳимлигига қарамасдан бу борада эришилган натижалар етарли эмаслигини кўрсатади. Шу боис мақсадни “педагогика факультетлари маънавий-ахлоқий тарбиявий иш режаларини УМТК концепциясида белгилаб берилган таянч фазилатларни ривожлантириш асосида ташкилий-методик модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш” тарзида белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса бўлажак педагогларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тамойилларини УМТКда кўзда тутилган метод ва тамойиллар билан ислоҳ қилишни талаб қилади.

Технологиянинг самара бериши унинг таркибидаги методларнинг тўғри танланишига қўлланишига боғлиқ. Шу ўринда метод тушунчасининг талқинини қайта кўриб чиқиш тақозо қилинади. Интернетнинг Гуманитар порталида “Метод бу — бирор вазифани бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун қўлланиладиган рационал ҳаракатлар йиғиндисиз”, эканлиги англашилади. Бунда кўришиб турганидек, урғу ўй, мулоҳаза, фикр, қарашларга эмас, айнан “ҳаракатлар йиғиндисиз”га қаратилмоқда. Биргина мана шу хусусият ҳам бўлажак педагогларнинг маънавий-ахлоқий компетенцияларини интенсив ривожлантириш масаласининг бир қисми – назарий, иккинчи қисми – методика ва методикалар мажмуи - технология эканлигини фундаментал даражада ажратиб беради. Бу эса замонавий маънавий-ахлоқий ишлар технологиясини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Педагогик технологиянинг сунъий интеллектдаги талқини бу - замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш усуллари ва воситаларини ўрганадиган педагогика соҳаси. Педагогик технологиянинг мақсади турли хил таълим технологиялари, техникаси ва воситаларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишдир. Педагогик технология ўқитувчиларга талабалар учун янада қизиқарли, самарали ва қулай ўқув муҳитини яратишга ёрдам беради. У компьютер технологиялари, интерактив доскалар, онлайн курслар,

²Шопулатов А.Н. Бўлажак мураббийларда жисмоний тарбия ва спорт асосида маънавий кадрларни ривожлантириш йўллари // Фан-спортга илмий –назарий журнал . - 2019. - № 1. -Б. 67-71.

³<https://gtmarket.ru/concepts/6871> (Кўриш санаси 04.11.2025 йил.)

мультимедиа материаллари ва бошқа инновацион ўқитиш усулларида фойдаланишни ўз ичига олади.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистонни барпо қилишда икки устун - кучли иқтисодиёт ва кучли маънавиятга таяниш” ташаббусини кўтардилар. Бу ташаббус ўқувчи ва талабаларни тарбиялашда технологик ёндошувни талаб қилади. Яъни ўқувчи ва талабаларни кучли маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш талабини қўйди. Ана шу талабдан келиб чиқиб, маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янги – моделлаштириладиган, ўлчанадиган, баҳоланадиган, натижаси кафолатланган, технологик асосга қуришга ўтилмоқда. Яъни ҳар бир индивидуал ва жамоавий маънавий-маърифий чора тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш, уларни ўқувчи ва талабаларнинг компетенциялари билан боғлаш, тарбияланувчиларнинг дунёқарашидаги трансформациялар илмий-экспериментал асосда ўлчанадиган, баҳоланадиган технологик ёндошув жорий этилмоқда. Зеро, академик А. Саидов ҳуқуқий тарбия мисолидан келиб чиқиб таъкидлаганидек, «Ҳозирги босқичда фуқаролик жамиятининг демократик негизларини шакллантириш фақат Конституция ва Ўзбекистон қонунчилигининг асосий қоидаларини билишнигина эмас, балки ўзининг амалий фаолиятида Конституция кўрсатмаларига амал қилишни ҳам тақозо этадиган юксак конституциявий маданият қарор топиши вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Муайян билимларга эга бўлиш мумкин, бироқ, уларни амалиётда қўллаш уқуви бўлмаслиги мумкин⁴».

Бугунги кунда “педагогик технология” тушунчасининг юзлаб таърифларимавжуд. Уларда педагогик технология каби мураккаб механизмнинг муайян қирралари акс эттирилган, дейиш мумкин. Мавжуд талқинларни ўрганиш натижасида биз тадқиқот мавзумиздан келиб чиқиб, педагогик технология– талабаларда таянч фазилатларни ривожлантиришга қаратилган, аниқ ўлчамли натижани кафолатли таъминлаш маълум кетма-кетлик асосида амалга ошириладиган анъанавий ва рақамли педагогик метод, воситалар мажмуидир. Педагогик технология бу – маънавий янгилашни талаблари, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, маънавият ва маърифат соҳасидаги давлат сиёсати, жамиятнинг ёшлар тарбиясига ижтимоий буюртмаси, педагоглар ва талабаларнинг маънавий таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда ривожланиб, янгилашиб боровчи инновацион лойиҳадир, деган хулосага келиш мумкин.

⁴Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови. / Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4 (52) 2010. 8-бет.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда педагогик ва ишлаб чиқариш технологияларнинг ривожланиши ҳамда такомиллашиб бориши бевосита ахборот технологиялари заминида амалга ошади⁵.

Шу билан биргаликда, бўлажак педагогларнинг маънавий-ахлоқий компетенцияларини ривожлантиришда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059 сон қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” талаблари асосида белгиланган таянч фазилатларни мақсадли, узвий ривожлантириш амалиётининг интенсифик даражаси етарли эмас. Зеро “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”нинг тўртинчи босқичи вазифаларига кўра олий таълим муассасаларида талабаларда Ватанга садоқат, тadbиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик

каби 10та таянч фазилатлар, яъни маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш технологик асосда амалга оширилиши белгилаб берилган. Бироқ, оммавий тажриба амалиётини ўрганиш, профессор-ўқитувчилар, факультет деканларининг ёшлар билан ишлаш ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича ўринбосарлари, тьюторлар орасида ўтказилган суҳбатлар, ўтказилган сўровномалар ушбу концептуал талабни амалга оширишда мауайян камчиликлар борлигини кўрсатади. Масалан, педагогика факультетлари маънавий-ахлоқий тарбиявий иш режаларида Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида белгилаб берилган фазилатларни ривожлантириш кўзда тутилмаган ҳоллар кўп учрайди. Бу эса, аввало бу маънавий маърифий ишларни режалаштиришни ташкилий-методик такомиллаштиришни, модернизациялашни, иш режаларида таянч маънавий-ахлоқий компетенцияларини бўлажак педагогларнинг касбий маънавияти предметига айлантириш учун уларнинг бўлажак касбий ва ижтимоиймаърифий фаолияти билан боғлаб талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига 1-илова.

⁵ О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замоनावий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013, 200бет.

<https://innovateconferences.org>

2. Шопулатов А.Н. Бўлажак мураббийларда жисмоний тарбия ва спорт асосида маънавий кадриятларни ривожлантириш йўллари //Фан-спортга илмий –назарий журнал . - 2019. - No 1. -Б. 67-71.
3. Саидов А. Конституция – мамлакатнинг демократик ривожланиш ва уни модернизация қилиш гарови. / Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №4 (52) 2010. 8-бет.
4. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013, 200 б.